

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан
Ўзбекистон Ногиронлар, Кўзи ожизлар ва Карлар
жамиятларининг ҳамкорлиги тўғрисида**

К Е Л И Ш У В

2019 йил “27” сентябрь

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Кўзи ожизлар жамияти ҳамда Карлар жамияти, (кейинги ўринларда – “Тарафлар”), Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Сайлов кодекси ҳамда халқаро ҳукуқнинг умумэтироф этилган меъёр ва тамойилларига таянган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5270-сон Фармонига асосан Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳукуқий демократик давлат барпо этиш борасидаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун жамият интеграциясида тенг имкониятлар яратиш ҳамда сайлов жараёнларини янада демократлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ҳамкорлик қилиб, қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

I. КЕЛИШУВНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ҳукуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов жараёнини янада демократлаштириш соҳасида томонларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш, шунингдек, қўшма лойиха ва тадбирларни амалга ошириш мазкур Келишувнинг предмети ҳисобланади.

II. ҲАМКОРЛИК ТАРТИБИ ВА ШАКЛЛАРИ

2.1. Мазкур Келишув доирасида самарали ҳамкорлик қилиш мақсадида Тарафлар:

- сайлов қонунчилигининг турли жиҳатлари, сайлов ва референдумлар ташкил қилиш ва ўтказиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳукуқий маданияти, сайлов ташкилотчиларининг касб малакаси даражасини юксалтириш ва бошқа масалалар бўйича ахборот алмашади;
- қўшма лойихаларни амалга оширишда ахборотга доир, ҳукуқий,

илмий манбалардан фойдаланади;

- сайлов ва референдумларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга оид масалаларни ўрганиш мақсадида малакали мутахассисларни жалб қиласди;

- сайлов қонунчилигини янада либераллаштириш моҳиятини очиб беришга қаратилган тадбирлар, семинарлар, конференциялар, тренинглар, давра сухбатлари ўтказади, лойиҳаларни амалга оширади, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади, ахборот алмашувларини ташкиллаштиради ҳамда мазкур ишларни амалга оширишда имо-ишора тили ва брайль ёзувларидан фойдаланишини ташкил этади;

- оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланади, биргаликда тадбир ва лойиҳалар ўтказишда очиқлик ва ошкоралик тамойилига риоя қиласди.

2.2 Жойларда тадбирларни амалга оширишда самарали ҳамкорлик қилиш мақсадида Тарафлар:

- Ўзбекистон Республикасидаги сайлов ва референдумлар оралиғида сайлов субъектлари билан ҳаракат (маслаҳатлашув, учрашувлар ва тажриба алмашинуви) дастурларини биргаликда амалга оширади.

2.3. Мазкур Келишувнинг мақсад ва вазифаларига эришиш учун Тарафлар ўз вакиллари орасидан ишчи гурухларини тузиши, шунингдек, бошқа давлат органлари мутахассисларини жалб қилиши мумкин.

2.4. Тарафлар айнан ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов жараёнларида иштирокини таъминлашда эркин ҳаракатланиши учун сайлов участкаларида пандус, маҳсус қурилмалар ўрнатилганлиги, шунингдек, маҳсус кабиналар ва сайлов билан боғлиқ ҳужжатлар ва бюллетенлар брайль ёзуvida тайёрланганлигининг назоратини амалга оширади.

2.5. Тарафлар сайлов жараённада қатнашадиган ногиронлиги бўлган шахслар тоифаси реестрини юритади ва мазкур реестр асосида уларнинг иштирокини таъминлашда кўмаклашиш каби ишларни амалга оширади.

2.6. Тарафлар сайлов жараёнларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари аъзолигига ногиронлиги бўлган шахслар, жамоат бирлашмалари вакилларини тавсия этиш бўйича тегишли таклифларни тайёрлайди.

2.7. Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Кўзи ожизлар жамияти ва Карлар жамияти сиёсий партиялар билан ҳамкорликда депутатликка номзоди кўрсатилган ногиронлиги бўлган шахсларни депутатликка номзоди қўйилган бошқа фуқаролар билан амалда тенглигини кўрсатишда ҳамда уларнинг сайловолди дастурини кенг оммага тарғибот қилишда кўмаклашади.

2.8. Тарафларнинг келишувига кўра ҳамкорлик қилишнинг бошқа шаклларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

III. БОШҚА ҚОИДАЛАР

3.1. Юқоридаги ҳамкорлик ишларини ташкил этиш амалда томонлар зиммаларига юридик жиҳатдан бирон-бир хуқуқий-иқтисодий мажбуриятлар юкламайди.

IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

4.1. Томонларнинг ёзма келишуви асосида мазкур Келишувга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

4.2. Мазкур Келишув ҳар бир томоннинг Келишувни ижро этиш имконияти йўқлиги (уни рад этиш) ҳақида ёзма хабар бериши орқали бекор қилиниши мумкин.

4.3. Мазкур Келишув 4 нусхада тузилиб, уларнинг ҳар бири бир хил юридик кучга эга ва имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

4.5. Юқоридагиларни тасдиқлаб, мазкур Келишув ваколатли қўйида имзо чекувчилар томонидан имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий Сайлов комиссияси раиси

М.Э.Абдусаломов
2019 йил “27” сентябрь

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти
раиси

К.К.Абдуллаев
2019 йил “27” сентябрь

Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти
Марказий Бошқаруви раиси

Э.Ж.Норпўлатов
2019 йил “27” сентябрь

Ўзбекистон Карлар жамияти
Марказий Бошқаруви раиси

Ж.И.Рихсиев
2019 йил “27” сентябрь